Ушбу сонда:
2 «Ишонч»га жавоб берадилар «ГАЗЕТА ТЎҒРИ ТАНҚИД ҚИЛГАН»
3 НЕГА ТАЪТИЛГА ЧИҚМАЯПСИЗ...
4 Маънавиятимиз сарчашмалари «ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ»

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 6 июн, чоршанба №87 (1101)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 июн куни Оқсаройда Осиё тараққиёт банки президенти Тадао Чинони қабул қилди.

- Бу учрашувни анчадан буён кутаётган эдик, - деди давлатимиз раҳбари. - Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш жараёнида четдан кўрсатилаётган ёрдамни, айниқса, сизнинг маслаҳатларингиз, бой тажрибангизни қадрламай илож йўқ. Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстона муносабатлар ва самарали ҳамкорликнинг ривожида ҳам сизнинг ўрнингиз катта.

Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда хорижий шериклар кўмаги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон билан Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик ғоят самарали кечаётганини таъкидлаш жоиз. У муайян стратегияга асосланган бўлиб, бу стратегия ҳар уч йилда янгиланиб турилади. Ўтган йили 2000-2003 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси ишлаб чиқилган эди. У Ўзбекистонга бериладиган молиявий ёрдам қамровини кенгайтириш, йўл қурилиши, агросаноат ва таълим йўналишлари қаторига шаҳар инфратузилмаси ҳамда молиявий секторни қўшишни кўзда тутади.

Мазкур банк кредитлари кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, умумтаълим мактаблари учун дарсликлар нашр этишни такомиллаштириш, Чингелди-Самарқанд темир йўли ҳамда Каттақўрғон-Навоий йўналишидаги автомобил йўлини таъмирлаш, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳасида Қарши, Жиззах ва Гулистон шаҳарларида иссиқ ва совуқ сув таъминоти ҳамда иситиш тизимларини яхшилаш кўзда тутилган. Умуман, санайверса, қўшма лойиҳалар анчагина.

Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги режалар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар хусусида фикр алмашилди.

(ЎзА).

ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИ

кишилари Президентимиз ва давлатимизнинг катта мададини чуқур ҳис қилиб яшамоқдалар

Май ойининг охирларида Амударёнинг қуйи қисмига сув келди. Расмий идоралардан олинган маълумотларга кўра, эндиликда Туямўйин сув омборидан Амунинг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон ҳудудидан ўтадиган қисмига ҳар секундда 735 куб сув қуйилмоқда. Пахтаарпа, Қизкетган, «Рисовий», Есимўзак, Суенли каби ўнлаб каналлардан овуллар ва далаларга обиҳаёт равон оқа бошлади.

Ҳа, сув танқислиги халқнинг сабр-бардошини яна бир бора синовдан ўтказди. Оролбўйидаги баъзи туманларнинг 92-95 фоиз экин майдонлари сувсизликдан қаҳраб қолди. Қоратерен, Дауткўл, Ақчакўл каби йирик кўлларнинг суви сатҳи 1,5-3 метргача тортилди. Аҳолини ичимлик суви билан мунтазам, кафолатли таъминлаш муаммоси юзага келди.

Мураккаб экологик вазиятда истиқомат қилаётган қорақалпоғистонликлар юз берган сув тақчиллиги, қурғоқчилик каби табиий қийинчиликлар олдида асло яккалаб қўйилмади.

Муҳтарам Йўлбошчимиз ташаббуси, саъй-ҳаракатлари туфайли Оролбўйида 2000-2001 йилларда рўй берган обиҳаёт муаммосини бартараф этиш учун бутун Ўзбекистон ёрдамга келди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 28 сентябрдаги Қарори катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур Қарорга биноан Қорақалпоғистон Республикасидан 22 миллиард сўмлик қарз кечиб юборилди. Бу шу ерлик аҳолини бениҳоя ҳурсанд этди.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида минглаб қўл кранлари қурилди, юзлаб қудуқлар қазилди. Чорва молларига сув етказиб бериш учун бир неча юз махсус автомашиналар келтирилди. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронлар мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинди.

Саховат кўрсатиш халқимизга бобокалонларимиздан ўтиб келаётган энг эзгу мерос! Бу ишда мамлакатимиз барча вилоятлари фаол қатнашганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, фарғоналиклар «Саховат» поезди ташкил қилиб, қорақалпоғистонлик ўғил-қизларга 17 миллион сўмлик озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечаклар юборишди. Наманганлик биродарларимиз ҳам шундай савоб иш қилдилар. Энг муҳими, мураккаб шароитда қолган инсонларга мадад қўли узатилиши уларда келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлади.

— Сув танқислиги Оллоҳнинг синови, иншоолло, халқимиз шу имтиҳондан ёруғ юз билан ўтади, - дейди амирободлик Ҳикматулла ота. — Ҳозирда шу ерлик ҳар бир фуқаро меҳрибон Президентимиз, давлатимиз мададини чуқур ҳис этиб яшаяпти.

Дарвоқе, яна бир янгилик. Яқинда «Қоратоғ - Мискин - Учқудуқ» темир йўли қурилиб ишга туширилди. Бунинг учун 24 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Шу йилнинг 1 февралидан мазкур пўлат изларда поездлар қатнови бошлангани, Наврўз байрами арафасида эса Нукус - Тўрткўл оралиғида йўловчи поездлар ҳаракати мунтазам йўлга қўйилганлиги ҳам катта воқеадир.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳам Қорақалпоғистонда кўзга кўринарли ишлар олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида кўплаб қўшма корхоналар ишга туширилди. Масалан, «Қорақалпоқтомат» корхонаси Италиянинг «Алберто Бертуччи» фирмаси билан ҳамкорликда помидор томатини ишлаб чиқарувчи завод қурди. Уни хом ашё билан узлуксиз таъминлаш учун Нукус тумани «Қаттиақар» ширкат хўжалигининг 140 гектарли иссиқхонасида помидор етиштириш йўлга қўйилди. Экинлар чет эл технологияси асосида томчилатиб суғорилади. У Исроил давлатининг «АИК» фирмасидан келтирилган. Унинг афзаллик жиҳати шундаки, шу усулда деҳқончилик қилинганда сув 4 баробар кам сарфланади. Ҳосилдорлик эса гектарига минг центнергача боради. Ушбу корхона ҳозирдаёқ Германияга икки минг тонна томат пастаси етказиб бериш юзасидан шартнома имзолади.

Шунингдек, Марказий Осиёда ягона «Қўнғиротсода» заводи қурилиши учун зарур маблағ ажратилди. Бўстонда академик лицей, Кегейли, Ақчакўлда қишлоқ хўжалик коллежлари фойдаланишга топширилди. Беруний, Хўжайли, Элликқалъа ва бошқа туманларда еттита қишлоқ шифокорлик пунктлари иш бошлади. Амударё орқали «Газли-Нукус» йўналишида табиий газ қувурлари ўтказилди. Бунинг учун салкам 1 миллиард 100 миллион сўм сарфланди ва ўнлаб овуллар аҳолиси табиий газдан баҳраманд бўлди.

— Туманимиз асосан чорвачиликка ихтисослашган, - дейди Бўзатов тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Асиниёз Жуманов. — Салкам 15 минг бош қорамол боқилаётган хўжаликларга сув келтирилиши натижасида гўшт ва сут етиштириш қарийб икки ҳисса кўпайди. Обиҳаёт, шунингдек, Шуманай туманининг Мўйнақ, Кетаплар, Жангақалъа овулларига ҳам етиб борди.

Бир сўз билан айтганда, мард ва танти, меҳнаткаш ва сабр-бардошли қорақалпоғистонликлар фаровон ҳаёт яратиш мақсадида астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Тўрткўл пахтакорлари, Бўзатов чорвадорлари, Нукус сабзавоткорлари хуллас, ким қайси касб эгаси бўлмасин, мустақиллигимизнинг ўн йиллигини муносиб кутиб олишга бел боғлашган.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Эйр Қозоғистон» авиакомпанияси билан биргаликда Олмаота-Тошкент-Олмаота йўналиши бўйича рейсларни амалга ошира бошлади. Бу ҳақда Қозоғистоннинг жанубий пойтахтида бўлиб ўтган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг тақдимот маросимида эълон қилинди.

ПАРВОЗЛАР ДОИРАСИ КЕНГАЙМОҚДА

Янги йўналиш бўйича учишлар февраль ойида Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган Ҳаво қатнови тўғрисидаги битим доирасида йўлга қўйилди.

Яқин вақтгача бу рейс ҳафтасига уч марта амалга оширилар эди. Энди эса Франциядa ишлаб чиқарилган 85 ўринли RJ-85 авиалайнери ҳар куни Олмаотадан Тошкентга келиб қўнади ва яна Олмаотага қайтиб кетади.

Лойиҳада Ўзбекистон томони оператор сифатида иштирок этмоқда. Қозоғистон томонига ўнта ўрин - бизнес-класс салонда 2 ва эконом-класс салонда 8 ўрин ажратилган.

Авиалайнерга техник хизмат кўрсатиш Тошкентда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг хорижда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказида амалга оширилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси яқин орада Қозоғистоннинг металлургия саноати маркази ҳисобланган Қараганда шаҳрига рейсларни йўлга қўйишни мўлжалламоқда.

(ЎзА).

Меҳнат ва рағбат

ОМБОРЛАР ДОНГА ТЎЛМОҚДА

Сурхонлик ғаллакорлар анъанага мувофиқ бу йил ҳам мамлакатимизда биринчи бўлиб пешона тери эвазига етиштирилган буғдой ҳосилини йиғиштириб олишга киришишганди. Жарқўрғон туманидаги «Халқобод» ширкат хўжалиги эса зафар маррасига биринчи бўлиб етиб келди. Айниқса, Олтинсой туманидаги «Қорлиқ» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитасининг 2001 йилги ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш юзасидан ишлаб чиққан тадбирлари кунлик режаларнинг ошириб бажарилишида муҳим ўрин тутаётир. Шуни таъкидлаш керакки, хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда қабул қилган жамоа шартномасига мувофиқ, ғалла ва пахта йиғим терими даврида яхши иш, дам олиш шароити яратиш ҳамда меҳнатда ўрнак бўлаётганларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилган.

Ибратли тадбирлар бутун вилоятга оммалаштирилди. Унда ўрим мавсумини 25 иш кунида ниҳоясига етказиш, 41 центнердан ҳосил олиш кўзда тутилган.

Касабақўм тадбирига мувофиқ, иш бошида ҳар куни уч маҳал иссиқ овқат тайёрланмоқда. Дала шийпонида мазмунли дам олиш учун барча шароитлар бор. Кундалик матбуот нашрлари, радио, телевизор, шахмат-шашка ва бошқа қулайликлар муҳайё қилинган.

Энг юқори ҳосил олишга эришган оилавий пудратчига хўжалик ҳисобидан бир бош қорамол мукофот тариқасида берилади. Бундай мукофот эгаси бўлишга бел боғлаган Аббос Омонов, Мирза Хидиров, Сайдаҳмад Муҳаммадиев, Ғани Давлатов каби оилавий пудратчиларнинг ғайрат-шижоати ўзгача. Улар гектаридан 50-60 центнердан ҳосил олишга умид боғлашмоқда. Ҳар шанба куни туман маданият уйи ходимлари иштирокида концерт дастури ташкил этиляпти. Туман марказий кутубхонасининг кўчма филиали ҳам ғаллакорларга беминнат хизмат кўрсатмоқда.

— Тадбиримизга асосан, комбайнчиларимиз бепул махсус кийим-бош билан таъминланган. Тиббий ёрдам кўрсатиш ходимлари хизматга шай туришибди. Насиб этса, ҳар биримизнинг омборимиз буғдойга тўлади. Чунки шартномага биноан давлат буюртмасидан ортиқ етиштирилган донни ғаллакорларга тақсимлаб берамиз. Бундан ташқари, 598 нафар ишчиларимизга 400 килограммдан буғдой берамиз, — дейди «Қорлиқ» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Толибжон Қодиров.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқи мустаҳкам ҳимояда

КАСАБА УЮШМА ҚАРЗНИ УНДИРИБ БЕРДИ

Андижон шаҳридаги 1-автокорхона акционерлик жамиятидан вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси номига ариза тушди. Аризага корхона ишчиларидан 12 киши имзо чеккан. Унда ишловчилар бир неча ойдан бери иш ҳақи ололмай келаётганликларидан шикоят қилишган, ёрдам сўрашган эди. Хўш, кенгаш бу аризани қай йўсинда ҳал этди?

Кенгаш раисининг топшириғига мувофиқ шу куниёқ раис ўринбосари Қодиржон Парпиев бошчилигида махсус ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳга қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси йўриқчиси А.Ашуров, кенгаш бош ҳуқуқшуноси Э.Айсақов, бош меҳнат нозири С.Солиев ва бошқа мутахассислар жалб этилди.

Гуруҳ аъзолари аввалига корхона ҳаётини ҳар тарафлама ўргандилар. Хатда кўрсатилганидек, автобазанинг аҳволи анча оғирлашиб қолган экан. Корхона буюртмаларни баҳоли қудрат бажариб бераверган-у бироқ буюртмачилардан маблағ унмаган. Шунга кўра маъмурият ўз ишчи-хизматчиларидан 3 миллион сўмдан ортиқроқ қарздор бўлиб қолган. 160 киши ишлайдиган бу жойда уч-тўрт ой мобайнида маош олмаслик эса уларнинг хонадонини қандай аҳволга солиб қўйиши мумкинлигини тассаввур қилиш қийин эмас. Бунинг маънавий томони ҳам бор: маош олмаслик кишининг кайфиятига салбий таъсир этмай қолмайди. Ишчининг ишга қўли бормай қолади, ўз раҳбарига нисбатан ҳурмат эътибори сусаяди, лоқайдлик вужудга келади.

Касаба уюшма вакиллари бу аҳволга бефарқ қарай олишмасди, албатта. Улар автокорхонадан қайси ташкилотларнинг қарзи борлигини аниқлашди: Андижон иссиқлик манбаи, «Андижонавтойўл», вилоят уй-жой қурилиши, 162-қурилиш трести ва бошқа қатор корхоналар мазкур автобаза хизматидан шартнома бўйича фойдаланишган-у, лекин ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаганлар.

Автокорхона раҳбари М.Аҳмедов буни шундай изоҳлайди:

— Биз асосан «Андижонвилоятқурилиш» ва «Андижонуйжойқурилиш» ҳиссадорлик жамиятларига хизмат қиламиз. Мазкур трестларнинг барча буюртмаларини сўзсиз бажариб берамиз, улар бизнинг уловлардан маҳаллий бюджет ҳисобига қурилаётган объектларда фойдаланишади. Биз ўз ҳаққимизни талаб қилсак, улар вилоят капитал қурилиш бўлимидан маблағни ўз вақтида ололмаётганликларини айтишади.

Дебитор қарзларнинг унмаётгани фақат ишчи-ходимлар иш ҳақига таъсир этибгина қолмай, кредитор қарзларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлаётир. Жамоа нефт базасидан, таъмирлаш корхоналаридан, электр, газ тармоқлари ва солиқ идорасидан, ўз касаба уюшма ташкилотларидан ҳам қарздор.

Касаба уюшмалари вилоят кенгашининг махсус ишчи гуруҳи бошқа камчиликларни ҳам аниқлади: жамоа аъзолари ўртасида меҳнат интизоми бирмунча бўшашиб қолган. Автомашиналарнинг каттагина қисми бузуқ ҳолда ётибди. Ишчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароитлари талаб даражасида эмас. Меҳнат муҳофазаси соҳасида камчиликлар айниқса кўп. Ишлаб чиқариш цехларида ёруғлик миқдори етишмайди, ёнғинга қарши жавонлар бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан тўла таъминланмаган. Ёқилғини назорат қилиш хизмат майдончалари ташкил этилмаган. Электр манбаларининг кўпи носоз. Автотранспорт воситаларини таъмирлаш учун ёпиқ айвонлар етишмайди. Ҳайдовчиларни йўналишга чиқиш олдидан тиббий кўрикдан ўтиши жорий этилмаган.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши раҳбарияти ишни 1-автокорхонадан қарздор бўлган қурилиш ташкилотлари раҳбарлари билан мулоқотдан бошлади.Зотан биринчи навбатда ишчи-ходимларнинг иш ҳақи масаласини ҳал қилиш лозим эди. Ҳар икки қурилиш ташкилотлари раҳбарларига корхонадаги аҳвол яхшилаб тушунтирилгач, кўп ўтмай автокорхона ҳисобига 13,5 миллион сўмга яқин маблағ тушди. Корхона маъмурияти ишчи-хизматчиларнинг ўтган йилги иш ҳақи, шунингдек, ёқилғи, таъмирлаш ва солиқ идораларидан бўлган қарзларидан бирмунча қутулиб олди.

Касаба уюшмалари кенгаши раҳбарияти бу ёрдам билан кифояланиб қолмади: ишчи гуруҳи, кенгаш аъзолари тармоқ қўмитаси масъул ходимлари билан биргаликда корхонага бориб, ҳайдовчи ва бошқа ходимлар билан учрашув ўтказдилар, дилдан суҳбатлашдилар.

Кенгаш раҳбарлари автокорхонада биринчи навбатда онгли интизомни яхши йўлга қўйиш зарурлигини уқтиришди. Ана шунда изланиб ишлашга, самарадорликка эришилади, белгиланган иқтисодий режалар уддаланади. Корхона раҳбарияти ва касаба уюшма ташкилоти жамоада ўзаро ҳамжиҳатлик билан ишлаш муҳитини вужудга келтиришлари зарур. «Ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки «Мен ўзим Ватанимга, эл-юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак», — деган эди Юртбошимиз. Буни ҳамиша ёдимизда тутишимиз лозим, чунки у ҳар бир меҳнат кишисининг, ҳар бир меҳнат жамоасининг мақсад-вазифасини аниқ-равшан белгилаб беради.

... Шу-шу вилоят касаба уюшмалари кенгаши 1-автокорхонани ўз назоратига олди. Кенгаш раисининг ўринбосари Қодиржон Парпиев, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасининг раиси Шуҳратбек Эгамбердиев, кенгаш бўлим мудири Сойибжон Солиев ва бошқа мутахассислар жамоа иши ва ҳол-аҳволидан доимий хабардор бўлиб, камчиликларни бартараф этишига яқиндан ёрдам беришмоқда. Шу сабабли кейинги вақтда корхонада муҳит анча яхшиланиб қолди, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича етишмовчиликларнинг кўпчилиги бартараф этилди. Энг муҳими, ишчи-ходимларнинг меҳнатга муносабатларида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

М.АБДУКАРИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Истиқлол берган имкон

Истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ давлатимиз халқни дон маҳсулотлари билан таъминлаш, ғалла мустақиллигига эришиш сиёсатини амалга оширди. Орадан кўп ўтмай ғаллакорлар катта ютуқларга эришдилар.

«САҒБОННОН» АКЦИЯЛАРИ

уларни хориж сармоядорлари ҳам харид қилишди

Аҳоли зич яшовчи ҳудудларда замонавий технология билан жиҳозланган ўрта ва кичик нон корхоналари қурилди. Ўзбекистон Республикаси «Дон маҳсулотлари» давлат акционерлик корпорацияси таркибидаги «Тошкентнон» нон ишлаб чиқарувчилар уюшмаси тизимида 57 та хорижий технология билан жиҳозланган корхоналар қурилиб ишга туширилди.

Улардан бири — пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «СаҒбоннон» очиқ турдаги акционерлик жамияти корхонасидир. Бу новвойхонани бунёд этишда исроилликлар ҳам қатнашганлар. Корхона ишчи-хизматчиларининг ғайрати, изланишлари билан жамоа қисқа вақтда кунига 10-12 тонна сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришди. Орадан кўп ўтмай аҳоли талабининг ўсиши, бозор муносабатлари жамият раҳбарияти ва жамоаси олдига янги қувватларни ишга туширишни, меҳнат унумдорлигини оширишни асосий вазифалардан бири қилиб қўйди. Шу боис, замонавий технологияга асосланган новвойхонанинг иккинчи навбати қурилишини бунёд этишга киришилди.

Тез фурсатда бу объект ишга тушди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш режалари ортиғи билан бажарилди. Давлат меъёрларига мос, истеъмолчилар талабларига жавоб берувчи нон-булка, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Улар 117 та савдо шохобча ва дўконларига ўз вақтида 3 та автоуловда етказиб берилаяпти. Қисқа вақт ичида болажонлар учун 6 турда шифобахш булкалар сотувга чиқарилди. Товар ишлаб чиқариш сал кам икки баравар ўсди.

Шунингдек, маҳсулотлар тайёрлашда витаминли, темир ва йод каби шифобахш моддали қўшимчалардан фойдаланилаяпти. Ҳомиладор аёлларда юзага келиши мумкин бўлган анимия (кам қонлилик) касаллигининг олдини олувчи, махсус терамин (темир) моддали нон тури ишлаб чиқарилмоқда. Савдо буюртмалари ҳам кўпайди. «СаҒбон ўрамаси», «Нилуфар», «Кунга боқар», «Роҳат», «Баҳор», «Ниҳол», «Ёшлик», «Осиё» каби янги ўзлаштирилган булкалар ҳам шифобахш хусусиятларга эга. «СаҒбоннон»да ўз соҳасининг моҳир усталари, новвойлар меҳнат қилмоқда. Мураббий Зиёвуддин Аброров, хамир қорувчи Мирвосиқ Халилов, шакл берувчи Озода Саъдуллаева, созловчи-чиланГар Убайдулла Хикматовларнинг ҳалол меҳнатлари бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиляпти. Айни пайтда ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 25 минг сўмни ташкил этмоқда. «Иссиқ нон» фирма дўконида макарон, вермишел, угралар, «Камола», «Суфра» қўшма корхоналарида тайёрланган чипси (қовурилган картошка), печенье, мармелад, «Руста қандолат»да ишлаб чиқарилган парварда, қанд, новвот, пашмак каби миллий қандолат маҳсулотлари, салқин ичимликлар ҳам тобора харидоргир бўлиб бораяпти.

Янги технологияларнинг амалиётга жорий этилиши, маҳсулот турларининг кўпайишидан ўтган йили корхона 38 миллион 17 минг сўм соф фойда олди. Ушбу даромад ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга ёрдам пули, мукофотлар бериш имкониятларини яратди. Жамоада Президентимизнинг «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак» деган сўзларига амал қилиб, хайрияэҳсон, мурувват учун маблағ ажратилиб, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисиз қолганлар, ногиронларга яқиндан кўмак берилмоқда. Жорий йилнинг тўрт ойи ичида шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасига қарашли ногиронлар ҳунар-техника билим юрти учун 5000 сўм, Собир Раҳимов туманидаги «Чимбой» маҳалласининг кўп болали, кам таъминланган оилаларига 5000 сўм, шу туман ногиронлар «Наврўз» жамияти учун 30000 сўм миқдорида саховат ёрдами уюштирилди.

«СаҒбоннон» жамоаси аъзолари пойтахтдаги ўз ҳамкасблари ўртасида энг юқори натижаларга эришаётганлиги қувончлидир. Сотилган акцияларнинг 25 фоизи чет эл сармоядорлари томонидан харид қилинганлиги ҳам ижобий натижадир. Яқин кунлар ичида нон маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтириш имконини берувчи шўъба кичик корхоналари бунёд этиш кўзда тутиляпти.

Бу — маҳсулот турлари ва уни ишлаб чиқариш ҳажмлари янада кўпаяди, янгитдан юзлаб иш ўринлари яратилади, олинадиган самара ортиб, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш кучаяди, демакдир.

М.НУРИДДИНОВ,
журналист.

ТАДБИРКОРГА МИКРОКРЕДИТ

Андижон вилоятида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида «Ҳамкорбанк» Европа тараққиёт ва тикланиш банки билан биргаликда «Пилот» дастури асосида қисқа муддатли кредитлар бера бошлади. Мазкур дастур Германиянинг «LFS» фирмаси маслаҳатчилари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Айни кунларда мутахассислар тадбиркорларнинг фаолиятини ўрганиб, уларни ҳамкорлик қилишга таклиф қилмоқдалар. Микрокредитлар юридик ва жисмоний шахсларга савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш учун 3 миллион сўмгача миқдорда берилаётир.

О. АБДУСАЛОМОВ.



Ғалла ўрим-йиғими қизғин тусга кирди. Пишиб етилган донни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш барчанинг бурчига айланган. Мавсум ишлари айниқса, Қува туманида яхши ташкил этилмоқда. Ўримда иштирок этувчилар учун барча шароитлар яратилган.

Илғорларни рағбатлантириш ҳам ишнинг самарадорлигини таъминлаётир. Бутун диққат-эътибор мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш, белгиланган давлат режаларини бажаришга қаратилаяпти.

Суратларда: бош муҳандис А.Ҳафизов, механизатор И.Мамажоновлар ўрим-йиғим хусусида суҳбатлашмоқдалар: илғор комбайнчи З. Жумаев.

М.ҚОДИРОВ олган суратлар.

Ижтимоий шерикчилик тамойилларига қандай амал қилинмоқда?

ОДАМЛАРГА НАФИМИЗ ТЕГСИН

«Мамлакатимизда давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида шаклланиб келаётган барқарор ва самарали муносабатлар бундан буён ҳам ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ривожланиб бораверади», — дейилади республикамиз Президентининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг III Қурултойи қатнашчиларига йўллаган табригида. Бу борада Бувайда туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Илгари ўз ҳуқуқ-имкониятларидан билиб-билмай фойдаланган, фаолияти чекланган касаба уюшмалари эндиликда ижтимоий шерикчилик тамойилига ўтди. Ижтимоий шерикчилик — жамиятнинг барча табақаларини ва миллатни бирлаштирувчи мафкурага таянган ҳолда амалга оширилмоқда.

Биз ўз фаолиятимизда ижтимоий шерикчилик тамойилларига таяниб иш кўряпмиз ва бунинг самаралари аста-секин кўзга ташланмоқда. Масалан, ушбу тамойилларнинг «Унумли меҳнат ва баракали маош — ижтимоий ҳимоянинг энг яхши воситасидир» деган шиоридан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишловчиларнинг ойлик маошларини ўз вақтида тўланишига эришилмоқда. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-интеллектуал манфаатларини ҳимоялашга бел боғлаган қўмитамиз ихтиёрида 20 мингдан ортиқ касаба уюшма аъзоси бор. 22 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатяпти. Ана шу ташкилотлардаги бошланғич қўмиталар раисларининг ойлик маошлари айнан дахлдор ташкилотлар томонидан тўланаётганини эса катта иқтисодий самара бераётир. Ўтган йили шунинг эвазига 1,5 миллион сўмлик маблағ тежаб қолинди. Бу маблағ меҳнаткашлар ўртасида маънавий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларига сарфланди. Албатта, бу борада Амир Темур номли ширкат хўжалиги (бошланғич ташкилот қўмитаси раиси Расулжон Ғофуров)да, «Шарқ Юлдузи» ширкат хўжалиги (Абдуҳамид Эргашев)да, Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Икромжон Қурбонов)да ва Ҳайвонот шифохонасида амалга оширилаётган ишлар мақтовга лойиқ.

Бевосита қишлоқ хўжалик тармоқларида меҳнат қилаётган 500 нафар фуқарога ўз соғликларини тиклаш ва дам олишлари учун имтиёзли йўлланмалар берилди. Шу мақсадда 2,5 миллион сўм маблағ сарфланди. 80 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 20 дан ортиқ спорт тадбирлари ўтказилди. Масалан, Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган волейбол мусобақасида вилоятимиз шаҳар ва туманларидан 18 та жамоа қатнашди. Қишлоқ хўжалик тармоқларида узоқ вақт ишлаган Абдуқодир Алиқулов, Исмоилжон Назаров, Акбарали Жумаев, Жўрақўзи Алибоев каби азиз инсонлар хотирасига бағишланган бу турнир ғолибларини тақдирлаш учун 200 минг сўм маблағ сарфладик.

Фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлган ариза ва шикоятлар билан ишлаш доимий эътиборимизда. Шу пайтгача қўмитамизга меҳнаткашлардан 120 дан ортиқ ариза келиб тушди. Уларнинг мазмун-моҳияти асосан ноқонуний ишдан бўшатиш, ойлик маошларни ўз вақтида олмаслик, кўп болали оилаларга қўшимча нафақалар бериш билан боғлиқ. Бундай аризаларнинг 90 таси бизнинг аралашувимиз билан меҳнаткашлар фойдасига ҳал этилди.

Республикамизда ёзги соғломлаштириш мавсуми ҳам бошланди. Бу соҳада қўмита олдида қандай вазифалар турибди?

Болаларнинг ёзги таътилини кўнгилдагидек ташкил этишни пухта режалаштириб қўйганмиз. Биргина ўтган йили бу йўналишда 8 миллион сўмлик маблағ сарфладик. Режадаги 1200 нафар ўрнига 1660 нафар ўғил-қиз оромгоҳларда дам олдирилди. Бу йил ҳам бу кўрсаткич камаймайди. Туманимизнинг хушманзара ва баҳаво «Бўстонбува» қишлоғидаги «Лочин» болалар оромгоҳи мавсумга шай. Бу ерда болалар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Туман ҳокимлиги бу борада амалий ёрдам кўрсатаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Албатта, муаммолардан кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, айрим бошланғич ташкилотларимиздаги раҳбарларнинг масъулиятсизлиги сабабли жамоа шартномаларининг тўла-тўкис бажарилишига эришилмаяпти. Қолаверса, туманда соҳа ходимлари учун спорт-соғломлаштириш маркази ташкил этиш керак, деб ўйлайман. Бу муаммони ҳал этиш албатта, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларга боғлиқ.

Кўпчиликдан қуён қочиб қутулмас, деганларидек, бундан кейин ҳам ҳар қандай муаммога биргалашиб ечим топаверамиз.

Авазбек УМРЗОҚОВ,
Бувайда тумани Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ГАЗЕТА ТЎҒРИ ТАНҚИД ҚИЛГАН»

Газетамизнинг шу йил 11 апрел сонида чоп этилган «Ногиронни қўллаш шунчалик қийинми?» сарлавҳали мақола Бойсун тумани «Сайроб» ширкат хўжалигида меҳнат ҳавфсизлиги эътибордан четда қолаётгани, бунинг оқибатида айрим кўнгилсиз ҳодисалар рўй бергани, иш ҳақи вақтида тарқатилмаётгани, машина-трактор саройида хўжасизлик ҳукм сураётгани ҳамда айрим ишловчилар ижтимоий ҳимояси билан номигагина шуғулланилаётгани каби масалаларга бағишланган эди.

Газетанинг мазкур чиқиши юзасидан Бойсун туман ҳокимлигидан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

— Мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликлар юзасидан махсус комиссия тузилиб, танқидий мулоҳазалар ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам «Сайроб» ширкат хўжалиги бошқаруви раҳбарлари шаънига билдирилган эътирозлар тўғри. Буни хўжалик аъзолари умумий йиғилиши иштирокчилари ҳам эътироф этишди. Унда ширкат хўжалиги бошқаруви раиси М.Ҳусанов, кадрлар бўлими бошлиғи Н.Бердиев фаолиятига тегишли баҳо берилди.

Шунингдек, хўжаликда мавжуд айрим камчиликларга барҳам берила бошланди. Жумладан, техника хавфсизлиги бўйича муҳандисга алоҳида хона ажратиб берилди. Хавфсизлик қоидаларига оид кўргазмали воситалар ҳамда шу мавзуга бағишланган механизаторларнинг бир кунлик ўқуви ташкил этилди.

Машина-трактор саройидаги йўл қўйилган камчиликларни тузатишга маълум мухлат берилди. Ширкат хўжалигининг «Обгир» участкасида яшовчи I гуруҳ ногирони Раҳмон Жумақуловга май ойигача бўлган нафақаси тўлиқ тўланди. Унга бундан кейин ҳам моддий ва маънавий ёрдам бериб бориш вазифаси хўжалик маъмурияти, қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда маҳалла оқсоқоллар кенгаши зиммасига юклатилди.

Т.ҲАМРОЕВ,
Бойсун тумани ҳокими.

Косон туманидаги Бўлмас қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли ҳудудда 2 минг 105 хонадон истиқомат қилади. Улуғбек номидаги жамоа хўжалигининг Шербек, Сайёд, Гала, Галаботир, «Темирхўжа» хўжалигининг Тўлға, Беклар, Айрончи, Чақа қишлоқлари мана шу ҳудудда жойлашган. Бу ерда бир нечта ўрта мактаб, болалар боғчалари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари бор.

ОШКОРАЛИК РУҲИДА ЎТДИ

Фуқаролар йиғини аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш, қишлоқларни ободонлаштириш борасида бир қатор ижобий ишларни амалга оширяпти. Бироқ қишлоқларни газлаштириш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш каби муаммолар охиригача ҳал этилмаган.

Фуқаролар йиғинининг навбатдаги вакиллар йиғилишида ечимини кутаётган ана шундай муаммолар муҳокама қилинди. Айниқса, электр таъминотидаги узилишлар, ичимлик сув танқислиги, ёшлар тарбияси ҳақидаги мулоҳазалар кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўлди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан сайлов ўтказилди. Йиғилишда ҳар 150 фуқародан бир вакил иштирок этди. Ошкоралик руҳида ўтган вакиллар йиғилишида қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайланди.

(ЎзА).

ИНВЕСТИЦИЯГА ЙЎЛ ОЧИҚ

Навоийда чет эл инвестициясини жалб этиш борасида вилоятда амалга оширилаётган ташкилий ишларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида вилоятга 54 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси киритилди. Бугун Навоийда фаолият кўрсатаётган 482 корхонада йилига 89 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон-Ньюмонт», «Даллол», Навоий шаҳридаги «Тизол-Н» каби қўшма корхоналарнинг маҳсулотлари экспорт қилинмоқда.

Семинар-кенгашда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вакилларининг маърузалари тингланди. Хориж инвестициясини кўпроқ жалб этиш борасида амалга оширилади долзарб масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

ДЕҲҚОН САРСОН БЎЛМАСИН

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 февралда бўлиб ўтган мажлисида хўжалик шартномалари номигагина тузилаётганлиги, уларда томонлар мажбуриятлари, етказилган зарарни ундириб олиш чоралари аниқ кўрсатилмаганлиги, томонлар ўз ҳуқуқларини яхши билмаганликлари туфайли фермер ва ижарачилар зарарига шартномалар тузилаётганлиги алоҳида таъкидланган эди.

Ҳақиқатан ҳам жойларда ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, баъзи хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлганликлари сабабли тузилган шартномалар шартлари бажарилмагани оқибатида фермер хўжаликлари ва пудратчиларга моддий ва маънавий зарар етказилмоқда.

Хўш, фермер хўжалиги ёки пудратчи оилалар тузилган шартнома шартларини бажарса-ю, ўзларига тегишли бўлган маҳсулотларни олиш учун нега сарсон бўлиши керак?

Яхшиси, мисолларга мурожаат қилайлик.

Боёвут туманидаги «Деҳқонобод» фермер хўжалиги раҳбари А.Абдуллаев тузилган уч томонлама шартнома бўйича кўзда тутилган пахта ёғи, кунжара ва шулхани олиш учун бир йил овора-ю сарсон бўлган. Унинг вилоят адлия бошқармасига қилган мурожаатидан сўнггина бу масалага чек қўйилди.

Аслида шартнома бўйича Боёвут пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти фермер хўжалигига тегишли бўлган пахта чигитини «Гулистон экстракт-ёғ» ҳиссадорлик жамиятига етказиб бериши, қайта ишловчи эса ўз навбатида пахта ёғи, кунжара ва шулхани фермер хўжалигига қайтариши шарт эди.

Шартнома шартлари Боёвут пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти томонидан бажарилмаганлиги оқибатида фермер хўжалиги раҳбари А.Абдуллаев унга тегишли бўлган маҳсулотларни белгиланган миқдорда ололмаган. Адлия бошқармасига мурожаатидан кейин унинг ҳақ-ҳуқуқи ҳимоя қилиниб, Сирдарё вилояти фуқаролик судига даъво аризаси киритилди ва суднинг ҳал қилув қарори билан фермер хўжалигининг қонуний ҳақи ундириб берилди.

Лекин адолатни тиклаш учун А.Абдуллаев анча вақт идорама-идора юриб сарсон бўлишга мажбур бўлди...

Яна бир мисол.

Сайхунобод тумани «Пахтакор» ширкат хўжалиги ва М.Кубаев бошлиқ пудратчи оила ўртасида пахта етиштириш бўйича ички хўжалик шартномаси тузилган. Пудратчи оила режани бажарган тақдирда хўжалик унга пахта ёғи, кунжара ва шулха бериши белгиланган эди. Бироқ, бу ҳолатда ҳам ширкат хўжалиги ўз мажбуриятини бажармаган. М.Кубаевнинг аризасига асосан унинг манфаатларини кўзлаб адлия бошқармаси Сирдарё туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритди. Шу йил 17 апрел куни бўлган суд мажлисида пудратчининг чекланган ҳуқуқи тикланди, яъни 420098 сўм олинмаган маҳсулотлар қиймати қайтарилди. Бундан ташқари, айбдорлар — хўжалик бош ҳисобчиси А.Усмонов ва бош иқтисодчиси А.Исроиловлардан М.Кубаев фойдасига 45000 сўмлик моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

Тузилган шартнома томонлар учун иқтисодий муносабатларни белгиловчи қонуний ҳужжат эканлиги, ҳар бир шартнома орқасида хўжалик юритувчи субъектлар борлигини унутганлар охир-оқибатда панд ейдилар.

А.ҚЎЗИЕВ,
Сирдарё вилояти ҳокимлиги адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.

Конституциямизда кўзда тутилган принципларнинг ҳаётдаги инъикоси

ҚОНУНЛАР ГУЛТОЖИ

Ўзида юксак инсонпарварлик ғояларини мужассамлаштирган Ўзбекистон Конституцияси ҳаётимиз дастуриламалидир.

Конституциянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

Конституциядаги принцип ва бошланғич асослар демократик ҳуқуқий давлат талабларига тўла мос келиб, улар Ўзбекистон давлатчилигининг тарихий ривожланиш тажрибасига таянади. Конституциямизда тараққий этган мамлакатларнинг асосий қонунларида мустаҳкамланган конституциявий тузумнинг давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, сиёсий плюрализм (ҳар хил фикрлилик), иқтисодий фаолият ва мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги, давлатнинг ижтимоий характери, Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамдўстлигининг тўлақонли иштирокчиси эканлиги каби яхлит принциплар илк бор ўрин олган.

Асосий Қомусимизда, чунончи, халқ ҳокимиятчилиги, давлат тузилиши, жамиятни ижтимоий бошқарувнинг барча тизимидаги ўзгаришлар қайд қилинган. Конституция сиёсий барқарорлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояланишни таъминлашнинг муҳим кафолатидир. У ўзбек давлатчилиги ва фуқаролик жамияти ривожланишининг истиқболларини белгилаб беради.

Мамлакатимизда қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни жадал суръатлар билан бормоқда. Олий Мажлиснинг фақатгина I-чақириғи давомида (1995-1999 йиллар) 10 та Кодекс: Меҳнат, Фуқаролик, Солиқ, Жиноят-ижроия, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал, Божхона, Оила, Уй-жой, Ер кодекслари, кадрлар тайёрлаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурлари, 138 та қонун, 468 та қарор қабул қилинди. Амалдаги қонунларга 216 та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, ушбу давр мобайнида парламентимиз 70 та халқаро шартномани ратификациялади, халқаро конвенцияларга қўшилиш тўғрисида 64 та қарор қабул қилди.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий негизи шаклланмоқда.

Ўзбекистон Конституциясида ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши қайд этилган бўлиб, бу нарса фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқлари орқали рўёбга чиқарилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида кўплаб турли бирлашмалар: сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, уюшмалари сонининг мунтазам ўсаётганлиги юртимизда фуқаролик жамияти шаклланиб бораётганлигининг ёрқин далилидир. Уларнинг мақоми ва фаолияти мустаҳкам ҳуқуқий заминга таянган бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунлари билан тартибга солинади.

Ҳозирда республика Адлия вазирлигининг расмий рўйхатидан ўтган 300 дан ортиқ республика ва халқаро миқёсдаги жамоат бирлашмалари, вилоятларнинг адлия бошқармаларида рўйхатга олинган кўплаб маҳаллий мақомдаги жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Болалар» жамғармалари, «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат кенгаши ва жамоатчилик маркази», «Амир Темур», «Имом ал Бухорий», «Олтин мерос» халқаро жамғармалари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун фуқароларга виждон эркинлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий воқелигида кўппартиявийлик шаклланиб, сиёсий ҳаётни ташкил қилишнинг доимий ҳаракатда бўлган асосий конституциявий принципларига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига икки марта бўлиб ўтган умумхалқ сайловлари натижалари бунинг яққол мисоли бўлиши мумкин.

Асосий Қомусимиз давлат ижтимоий сиёсатининг, унинг ижтимоий соҳадаги фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди. Унда давлат ижтимоий хизмат тизимини ривожлантириш, тенг имкониятларни таъминлаш орқали ҳар бир фуқаронинг ва бутун жамиятнинг фаровон турмушига, ижтимоий адолатга эришиш ижтимоий сиёсатнинг бош мақсади эканлиги уқтириб ўтилган.

Бош Қомусимизга мувофиқ, қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ўзининг чуқур ифодасини топиб, тарихий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичига хос жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида шу соҳада муҳим ташкилий-ҳуқуқий институтлар вужудга келтирилди.

Эндиликда республикамизда инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи бир неча ташкилот ва муассаса фаолият олиб бормоқда. Жумладан, 1995 йилда Ўзбекистон парламентининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили иш олиб бора бошлади. 1996 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шу йили Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази, 1997 йилда «Ижтимоий фикр» маркази ташкил қилинди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир.

Ўзбекистон Республикаси чет давлатлар билан дипломатия, консуллик, савдосотиқ ва бошқа соҳаларда алоқалар ўрнатмоқда, мухтор вакиллар қабул қилмоқда ва ўзининг вакилларини юбормоқда, халқаро шартномалар тузмоқда, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлмоқда. Тошкент шаҳрида 45 га яқин давлатларнинг элчихонаси, 5 та консуллик, 10 дан ортиқ халқаро ташкилотнинг ваколатхоналари фаолият юргизаётир. Хорижий мамлакатларда эса Ўзбекистон Республикасининг 30 га яқин элчихонаси, 11 та консуллиги ва халқаро ташкилотлар қошидаги доимий ваколатхоналари мавжуд. Давлатимиз халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўз ҳуқуқларини амалга ошира бориб, бир қатор халқаро ва молия бирлашмаларига аъзо сифатида кирди. Бир қатор халқаро ташкилотларнинг тўлақонли аъзоси сифатида нафақат юртимиз, минтақамиз, балки умумбашарий аҳамиятга молик муаммолар ечимига оид масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этаётир.

Буларнинг ҳаммаси Асосий Қонунимизда кўзда тутилган принципларнинг ҳаётдаги инъикоси бўлиб, жамиятимиз манфаатларини ўзида тўла акс эттиришини рўй-рост исботлаб турибди.

О.МУҲАММАДИЕВ,
Тошкент давлат юридик институти кафедра мудири.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволингизга таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради

САВОЛ: ***Ўқитувчиларга махсус фонддан тўланадиган 15 фоизли моддий рағбатлантирув инглиз тили, немис тили умуман барча чет тили ўқитувчиларига ҳам тўланадими? Шунингдек, газдан фойдаланишда мактаб ўқитувчиларига белгиланган имтиёз ҳақида маълумот берсангиз.***

Озода Йўлдошева,
Шеробод тумани 5-умумтаълим ўрта мактаби ўқитувчиси.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги «Республика бюджет муассаса ва ташкилотларида пенсия, нафақа, стипендия ва иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ва Молия вазирлиги томонидан 1995 йил 8 сентябрда 98 рақамли буйруқ билан тасдиқланган бюджет муассаса ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди Низомига биноан 1996 йил 1 январдан Халқ таълими муассаса ва ташкилотларида 15 фоизли, ходимларни моддий рағбатлантирувчи махсус фонд ташкил этилган.

15 фоизли моддий рағбатлантирув махсус фонди маблағи ходимларнинг иш ҳақига қўшимча ҳақ ўрнатилишига ва уларни мукофотлашга сарф қилинади.

Қўшимча ҳақ ҳар бир ходимнинг таълим-тарбия беришда ва ишнинг бажарилиши натижаларига қараб берилади. Меҳнат интизомини бузган, ишида қўпол хатоларга йўл қўйган ва бошқа хатоликлар учун бу маблағ қисман ёки тўлиқ берилмаслиги мумкин.

Ўқитувчилар қайси фандан дарс беришидан қатъи назар мазкур касб эгаларига 15 фоизли рағбатлантириш фондидан бериладиган мукофотни бошқалар сингари бир хил оладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли қарорининг 14-банди 19-иловасига биноан табиий газ бўйича имтиёзлардан фойдаланувчи фуқаролар учун янги тариф меъёрлари қабул қилинган. Ушбу қарор бўйича Молия вазирлиги ўзининг 1999 йил 11 январ 06-03 17/54 сонли хати орқали қуйидагиларни маълум қилади:

а) бир оила учун ойига 40 кв/м иситиладиган майдон учун Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида 240 куб/м, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда эса 220 куб/м газ бўйича (бир оиладаги имтиёздан фойдаланувчилар сонидан қатъи назар) имтиёз белгиланган. Оилада имтиёздан фойдаланувчи педагоглар сонидан қатъи назар 1 кишигина фойдаланиш ҳуқуқига эга.

б) овқат тайёрлаш учун фойдаланишда:

— марказлаштирилган иссиқ сув тармоғи мавжуд бўлган хонадонларда ҳар бир имтиёздан фойдаланувчи фуқаролар учун бир ойда 9 куб/м имтиёз белгиланган.

— марказлаштирилган иссиқ сув тармоғи мавжуд бўлмаган хонадонларда ҳар бир имтиёздан фойдаланувчи фуқаролар учун бир ойда 12,5 куб/м имтиёз белгиланган.

Ушбу имтиёзлар бўйича ҳисоб-китоблар 1999 йилнинг 1 январидан амалга ошириб келинаяпти. Мазкур имтиёзларнинг барчасидан шаҳар ўқитувчилари 50 фоиз ва қишлоқ ўқитувчилари 100 фоиз фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

— Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги 280-сонли қарорининг 4-бандида сув ва газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш квартира ва уйларда квартира ва уй-жойлар мулкдорлари ҳисобига амалга оширилади, дейилган.

— туман марказларида яшовчи педагог ходимлар барча тегишли имтиёзлардан шаҳар меъёрлари бўйича фойдаланадилар.

ҲОМИЙЛИК КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Муборак туманидаги халқ таълими бўлими тасарруфидаги 13 та мактаб, 1 лицей, 13 та болалар боғчаларида меҳнаткашларнинг фарзандлари тарбияланишмоқда. Болалар ёзги таътилга чиқишлари билан тумандаги ўқув масканларини келгуси ўқув йилига тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

Шунингдек, янги мактабларни қуриш ҳамда уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш борасида туман ҳокимлиги ҳамда бошқа ҳомий ташкилотлар ўз ёрдамларини аяшмаяпти. Шу жумладан Муборак газни қайта ишлаш корхонаси ҳомийлигида республикамиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида 624 ўринли янги мактаб фойдаланишга топширилади. Нефтгаз конлари бошқармаси янги ўқув йили олдидан мактаб ўқувчиларига компьютер совға қилишмоқчи. Шуниси диққатга сазоворки, тумандаги «Шон-шуҳрат», «Омад» фирмалари аълочи ўқувчилар учун стипендиялар жорий этишган.

— Ўқувчиларимиз ёзги таътил давомида оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча тадбирларни кўриб қўйдик, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Шоймурод Давронов. — Яккабоғ туманидаги «Ёш алангачи», Охунбобоев номли болалар ёзги оромгоҳларида бу йил 1250 нафар ўқувчи кўнгилли дам олади.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Кейинги йилларда Сурхон воҳасининг минглаб гектар қўриқ ерлари ўзлаштирилиб экинзорларга айлантирилди. Бунда, айниқса, 13-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси бунёдкорлари жонбозлик кўрсатишяпти. Яқинда улар Қизириқ туманида 4 минг гектар майдонга сув таъминотини яхшилаш ишларини ҳам бошлаб юбордилар. Шу мақсадда 4 километр масофага сув қувурлари ётқизилмоқда. Келажакда оби ҳаёт икки босқичда 14 метр баландликка чиқарилади. Ушбу юмушларни адо этишда вилоятнинг бошқа ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётир.

Суратларда: иш жараёнидан лавҳалар.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

АРЗОННИНГ ОШИ ТАТИМАС

Кўза кунда эмас, кунида синади, дейдилар. «Тадбиркор» Зиёдулло Ражабов ўша - «кўзаси синган кунни» бир умр унутмаса керак.

З.Ражабов ўзининг молхонасида ўсимлик ёғи тайёрлайдиган хуфёна цех қурганди. Аммо цехни ишлатиш учун хом ашё топиш зарур эди.

Бу муаммони у ноқонуний равишда ҳал этиш йўлини топди. Жондор пахта тозалаш корхонаси яқинидаги қишлоқларда яшайдиган айрим фуқаролар техник чигитни яширин ҳолда сотиш билан шуғулланаётганини эшитиб қолади ва завод ишчиси Бобур Зарипов билан танишиб, унга муддаосини айтади. «Мол»ига харидор чиқиб қолганидан қувонган Бобур корхонадан ўғирлаб чиқилган 400 килограмм 1-навли техник чигитни 10 минг 500 сўмга сотади.

Кўп ўтмай З.Ражабов қайин укаси К.Рўзиевдан 100 килограмм, Навоий номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Р.Қаландаровдан 13 килограмм, яна бир нотаниш кишидан 220 килограмм техник чигит сотиб олиб, хуфёна цехини ишлатиб юборади.

Шундай қилиб, Жондор тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги Эроншоҳ қишлоғида яшовчи Зиёдулло Ражабов ҳамқишлоқларини, қолаверса, бошқа мижозларини ҳам бир қарашда дўкондагидан анча арзон, лекин ўта сифатсиз, соғлиқ учун зарарли ёғ билан таъминлашни йўлга қўяди.

Қишлоқда гап ётармиди, ёғфурушнинг кирдикорлари ҳуқуқ-тартибот идораларига тезда маълум бўлди. Текширилганида молхонада қурилган яширин цехдан 17 килограмм сифатсиз ёғ ва 620 килограмм 1-навли техник чигит чиқди. Қонун чигит ўғриларига ҳам, «тадбиркор» Зиёдулло Ражабовга ҳам ўз «тегишини» беради. Аммо кишини бошқа нарса ўйлантиради. Наҳотки, Жондор пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти ўз корхоналаридаги талон-тарождан бехабар бўлса? Ахир, чигит дўконда сотилмаслиги кундай равшан-ку!

(ЎзА).

«Ишонч» ойдинлик киритади

НЕГА ТАЪТИЛГА ЧИҚМАЯПСИЗ...

Инсон ўз меҳнати жараёнида кўп куч-қувват сарфлайди, жисмонан ва руҳан толиқади. Шу боис у дам олиши, меҳнат кобилиятини тиклаб бориши даркор. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Меҳнат Кодексида фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқлари аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

Амалдаги Меҳнат Кодексига мувофиқ йил тугамасданоқ келгуси йил учун ходимларнинг таътилга чиқиш жадвали ишлаб чиқилиши, асосий ва қўшимча таътиллар муддати белгиланиши, бу масала касаба уюшма қўмитаси бошчилигида амалга оширилиши керак. Кузатишлар шуни кўрсатдики, муҳим масала «Самарқанд-Прага», Самарқанд туманидаги «Оҳалик - Ломан - Парранда» қўшма корхоналари, «Мусаффо» ҳиссадорлик жамиятида яхши йўлга қўйилган. Хусусан, «Нафис» ҳиссадорлик жамиятида ходимларга бериладиган асосий ва қўшимча таътиллар белгилашда касбнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган. Махсус жадвал жамоа шартномасига илова қилинган. Муҳими, бу ерда ички тартибга қатъий риоя қилинади. Кишилар вақтида дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлайдилар.

Афсуски, ишчи-хизматчиларнинг дам олишини ташкил этиш ҳамма ерда бирдек эмас. Самарқанд вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг ишчи гуруҳи нодавлат сектори ва қўшма корхоналарда ишловчиларга меҳнат ва ҳақ тўланмайдиган таътилларни беришда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига қандай риоя этилаётганлиги билан атрофлича қизиққанларида жиддий камчиликлар, ўзибўларчилик ҳоллари мавжудлигини аниқладилар. Масалан, Ковренко номли шароб ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида ходимларни дам олишга чиқаришда қонун талаблари бузилган. Таътил жадвали ишлаб чиқилмаганлиги боис маъмурият (бошқарув раиси З.Солиев) ишловчиларга маъқул топган пайтда рухсат берган. Мана бунга нима дейсиз. Таътилга чиқиш истагини билдирган ходим Э.Акромов жавобгарлигидаги моддий қимматликларни топшириши учун негадир олти ой керак бўлган. Шундан кейин ҳам кадрлар бўлими бошлиғи Е.Осипова унинг ҳужжатларини бир неча ой расмийлаштирмаган. Касабақўм раиси А.Шек эса бундай ҳолатда томошабин бўлиб тураверган.

Жомбой туман «Жомбой пахта» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти эса 2000 йил 4 июлдаги буйруғи билан 37 ходимга навбатдаги меҳнат таътили берган ва шу буйруқ билан уларга 1 сентябргача ҳақ тўланмайдиган таътил расмийлаштирилган. Шу йил 2 апрелда эса 82 ходимга иш ҳақи сақланмаган таътил бериш ҳақида буйруқ чиқарган. Қонунга хилоф бундай буйруққа касабақўм раиси Т.Максакова ҳам имзо чеккани ғоят ажабланарли ҳол. Бундай ҳолатлар «Самарқандкитоб» ҳиссадорлик жамияти, масъулияти чекланган «Гулистон» жамияти, «Браво-сут» Ўзбекистон-Литва қўшма корхонасида ҳам содир этилган.

Баъзи раҳбару мутахассислар, касаба уюшма етакчиларида билим, ҳуқуқий саводхонлик етишмаётганлиги камчиликларнинг асосий сабабларидан биридир. Фикримизни яна бир мисол билан изоҳласак. Самарқанд шаҳар ва шаҳарлараро телефон станцияси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси бандларининг бирида: «Агарда ходимнинг йиллик меҳнат таътили кунлари 24 кундан кам бўлса, икки ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган тақдирда уларнинг меҳнат таътилларига уч кундан иборат ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар берилади», дейилган. Таътил муддати 24 кундан ошса, бу имтиёз татбиқ этилмайди. Бу эса қонунга мутлақо зиддир.

Ўз жамоаси, корхона ва ташкилоти келажагини ўйлаган, инсон омили ҳақида астойдил қайғурган иш берувчи, касаба уюшма қўмитаси ишчи-хизматчиларнинг вақтида дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлашга ўта масъулият билан ёндошади. Ана шундай йўл тутилаётган жойларда ютуқлар салмоғи кўпаймоқда. Аксинча бўлган жамоаларда эса турли муаммолар юзага келмоқда, эришилаётган натижалар кутилгандек бўлмаётир. Фикримизча, таътил масаласига панжа орасидан қараётганлар аввало ўзларини-ўзлари алдаётганликларини тушуниб етмаётган кўринишади.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТАРИХДАН САДОЛАР

«Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Мустақиллик туфайли тарихимизнинг ўқилмаган олтин саҳифалари очилди. Бой маънавий меросимиз халққа қайтарилди.

Бўка туман марказида ташкил этилган тарихий музей ҳам халқимизнинг бой ўтмишидан садо бериб турибди.

— Музейлар халқнинг ўтмиши билан бугунини боғловчи кўприкдир, - дейди музей мудираси Гавҳархоним Жалилова, — Бўка вилоятимизнинг қадимий ҳудудларидан. Унда ҳунармандчилик, кулолчилик, каштачилик азалдан ривож топган. Халқимиз қўлида сақланаётган осори-атиқаларни йиғиб музей ташкил қилиш ниятимни туман хотин-қизлар қўмитаси қўллаб-қувватлади, керакли моддий ва маънавий ёрдамини аямади.

Ҳа, эзгуликнинг қаноти бор, қолаверса яхшилик яхшиликка доя дейишади. Олдинига 10-15 та экспонат билан иш бошлаган музей бугун тарихимизнинг очилмаган саҳифалари, бой маънавий меросимиз хазинасига айланган. 3 бўлимдан иборат музейда антик даврда ишланган 100 дан ортиқ экспонатлар жой олган. Уларни тўплашда, музейни бойитишда халқнинг ўзи ташаббус кўрсатмоқда. Фуқаролар ўз хоҳишлари билан хонадонларида сақланаётган қадимий буюмларни топширмоқдалар.

— Одамлар озодликни англагани, насл-насабини билгани сайин юрагида Ватан тарихига муҳаббат туйғуси жўш ураркан, - дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Қутбинисо Ҳайдарова. — Бу туйғу қанчалик улуғ бўлса, юрт тарихига муҳаббат шунчалик мукаммал бўларкан. Буни музейга қимматбаҳо буюмларини, оилавий сулолалар рамзи ҳисобланган қадимий кийим-кечакларни, тақинчоқларни топшираётган ватандошларимиз тимсолида кўриб, ҳис қилиб турибмиз.



Суратларда: хотин-қизлар қўмитаси раиси Қутбинисо Ҳайдарова; музей мудираси Гавҳар Жалилова; қадимий осори-атиқалар.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

Футбол: Жаҳон чемпионати

Сарлавҳани ўқиб, зийрак муштарийларимиз гап нимада эканлигини дарҳол пайқашди. Ҳа, мухлислар орзиқиш билан кутган ҳаяжонли қуръа ташлашдан сўнг гўё ҳамма нарса жойига тушди. Айни вақтда мутахассис ва мутасаддилар учун янги муаммолар пайдо бўлди.

ҲАММАСИ 20 ОКТЯБРДА ҲАЛ БЎЛАДИ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ФИФА, ОФК ҳамда саралаш мусобақаларининг иккинчи босқичига йўл олган ўнта терма жамоа вакиллари иштирокида ташланган қуръа натижаларига кўра «В» гуруҳига тушган Ўзбекистон футболчилари Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Уммон ва Хитой командаларига қарши майдонга тушадиган бўлдилар.

Кўриниб турибдики, терма жамоамиз учун қуръа анчайин омадли кечди. Биз кўпроқ хавотир олган кучли жамоалар — Эрон ва Саудия Арабистони «А» гуруҳида Бахрайн, Таиланд, Ироқ командаларини имтиҳондан ўтказадилар. Жаҳон чемпионатига Осиё қитъаси учун ажратилган йўлланмаларнинг бор-йўғи икки яримта эканлиги эса баҳслар ниҳоятда кескин кечишидан дарак бермоқда. Айниқса, Хитой жамоаси тренери Бора Милутиновичнинг барча командаларни таслим этишга қодирлик ҳақидаги интервьюсидан кейин шовшувли башоратлар янада авжига чиқди.

Югославиялик мутахассиснинг тажриба борасида нақадар илгарилаб кетганлигини эътироф этган ҳолда, кези келганда, ушбуни алоҳида таъкидлашни истардик. Шу кунга қадар хитойликлар билан кечган барча учрашувларда Ўзбекистон терма жамоасининг қўли баланд эди. Кучайтирилган таркиб биринчи саралаш босқичида қандай ўйин намойиш қилганлиги ҳали ишқибозлар ёдидан кўтарилганича йўқ. Бинобарин, гуруҳ ғолиблигини ва Жаҳон чемпионатига йўлланмалардан бирини қўлга киритиш учун Ўзбекистон терма жамоасида катта имкониятлар мавжуд. Нима бўлганда ҳам юзага келган вазиятдан унумли фойдаланиш керак. Озгина йиғинчоқлик ва ғайрат кўрсатилса кифоя, худо хоҳласа футболчиларимиз Япония ва Корея майдонларида тўп суришлари шубҳасиз.

Дарвоқе, саралаш баҳслари 17 августда бошланиб, у 20 октябрга қадар давом этади. Худди шу куни Ўзбекистон терма жамоаси Б.Милутинович шогирдларини Тошкентда қабул қилади.

Ва... умид қиламизки, жаҳон чемпионатига берилган йўлланма соҳиби сифатида ўз ватандошларини беҳад хушнуд этади.

З.РИХСИЕВ.

«В» гуруҳи:
Ўйинлар тақвими

17 август
БАА—Ўзбекистон (Абу Даби)
Қатар—Уммон (Доҳа)

25 август
Хитой—БАА (Шеньянг)

26 август
Ўзбекистон—Қатар (Тошкент)

31 август
Уммон—Хитой (Мускат)
БАА—Қатар (Абу Даби)

7 сентябр
Қатар—Хитой (Доҳа)

8 сентябр
Ўзбекистон—Уммон (Тошкент)

14 сентябр
Уммон—БАА (Мускат)

15 сентябр
Хитой—Ўзбекистон (Шеньянг)

21 сентябр
Уммон—Қатар (Мускат)

23 сентябр
Ўзбекистон—БАА (Тошкент)

28 сентябр
БАА—Хитой (Абу Даби)
Қатар—Ўзбекистон (Доҳа)

5 октябр
Қатар—БАА (Доҳа)

7 октябр
Хитой—Уммон (Шеньянг)

13 октябр
Уммон—Ўзбекистон (Мускат)
Хитой—Қатар (Шеньянг)

18 октябр
БАА—Уммон (Абу Даби)

20 октябр
Ўзбекистон—Хитой (Тошкент)

Китоб туманидаги «Варганза» ширкат хўжалиги анорзорларида ҳар йили бир ярим минг тоннадан зиёд анор етиштирилади.

Анорнинг илдизи-ю япроғи, гуллари-ю меваси, данаги, ҳаттоки пўстлоғигача халқ табобатида турли-туман касалликларни даволашда ишлатилиб келинган. Унинг пўстлоғидан табиий бўёқ, данагидан эса спирт тайёрлаш мумкинлигини олимлар аниқлашган. Бир сўз билан айтганда, у чиқиндисиз мева ҳисобланади.

АНОР ШАРБАТИ — ТАННИНГ ҚУВВАТИ

— «Варганза» ширкат хўжалигида 205 гектар ҳосилли анорзорлар бор, — деди хўжалик раиси И.Мирзаев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Мавжуд боғларда улфий ширин, куй бедона, туя тиши, қора данак, афғон анори каби ўта ширин анор навлари етиштирилади. Анор етиштириш осон иш эмас. Айниқса, кеч кузда гектар-гектар анорзорлардаги буталар тагига ишлов бериб, кўмилишининг ўзи бир машаққат. Қишлоғимиз табиатига кўра, анорлар қиш фаслида кўмилмаса, совуқ уриб, қуриб қолиши ҳеч гап эмас. Шунингдек, анор мевасини узоқ муддатга сақлашнинг ҳеч иложи йўқ. У икки-уч ой мобайнида ўз кучи, таъмини йўқотибгина қолмай, чириб кетиши ҳам мумкин.

Республикамизда етиштириладиган барча мева, ҳаттоки сабзавотларгача қайта ишланади. Минг афсуслар бўлсинки, жаннатий мева ҳисобланмиш анорни қайта ишлаш йўлга қўйилмаган. Икки килограмм анор мевасидан бир килограмм анор шарбати тайёрлаш мумкин. Унга шакар ёки бошқа элементларни қўшиш шарт эмас. Агар бу иш йўлга қўйилса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Маънавиятимиз сарчашмалари

«ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ»

— Эзгуликнинг энг авж чўққиси бор! Унинг номи — ўз уйинг, азиз Ватанинг, энг оддий ва айни пайтда энг олий инсоний қадриятларни ҳимоя қилиш, улар учун жондан кеча олиш деб аталади. Ҳақиқий миллат даражасига кўтарила олган ҳар бир халқ тарихий хотирасининг ўзак ўқини ана шундай жасоратлар занжири ташкил этади. Ушбу занжирнинг узунлигию мустаҳкамлиги, салобатию бардавомлиги миллатнинг ҳақиқий қудратини кўз-кўз қилиб турувчи сўнмас маёқдир.

«Имом ал-Бухорий сабоқлари» маънавий-маърифий, илмий-адабий, рангли-безакли журналнинг янги сони ана шундай ўтлиғ сўзлар билан сайқалланган.

З.Мунавваровнинг «Хотирамизнинг сарбаланд маёғи» мақоласида ўзликни англашда, тарихий ҳақиқатни билишда инсон хотирасининг бетимсол имкониятлари қаламга олинади.

«Адабий барҳаёт китоб» рукнида тарих фанлари номзоди Маҳмуд Ҳасанийнинг «Куфий хатда ёзилган Қуръонлар» мақоласи эълон қилинган. Унда Аллоҳнинг мўъжизаси, ислом аҳлининг ифтихори Қуръони Каримнинг нозил бўлиши, унинг республикамизда сақланаётган нодир нусхалари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади.

Академик Азиз Қаюмовнинг «Навоийга бағишланган тафсир», Суйима Ғаниеванинг «Туҳфат ус-салотин ёхуд шоҳ байтлар мажмуаси», филология фанлари доктори Э.Умаровнинг «Ўзбек тилининг жонкуяри», Ш.Ғаффоровнинг «Муножотда тасаввуф талқини» каби мақолалари ҳазрат Навоий таваллудининг 560 йиллигига қизғин тайёргарлик маъносида ҳам ғоят қадрлидир. «Замонамиз уламолари» рукни остида Ўзбекистон мусулмонлари идорасида қарийб ярим аср хизмат қилиб, ўзининг эзгу ишлари билан халқимиз эъзози ва ҳурматига нозил бўлган марҳум Шайх Юсуфхон Шокир ўғлининг фазилатлари, гўзал одатлари, буюк эътиқоди ҳақида ҳикоя қилинган.

Шунингдек, журнал саҳифаларида У.Уватов таржимасида берилаётган шайх Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг «Сийрат ал Имом ал-Бухорий» асарининг давоми ҳамда Нақшбандия тариқати издошлари раҳнамоси шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққоний билан мулоқот, таниқли драматург А.Иброҳимовнинг Тошкент тарихига бағишланган «Кечмишдан мужда» мақоласи ва ижтимоий ҳаётимизга оид турли хабарлар чоп этилган.

«Имом ал-Бухорий авлодлари» ёшлар журналининг ушбу сонда илова қилиниши ёш авлодни маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Унинг сахифаларида миллий-диний қадриятларимиз, ўтмишда яшаб ижод этган аждодларимиз ҳаёти ва бой мероси, ислом маданияти, аҳлоқи, фалсафаси, ёшлар ҳаётига доир ҳозирги замон муаммолари ўз аксини топган.

«Ҳадисларнинг улуғ ҳикмати», «Маънавиятимизнинг олмос қирралари», «Ислом фалсафаси дурдоналаридан», «Устоз ва шогирд», «Конституциямизни ўрганамиз», «Замонамиз қаҳрамонлари», «Гиёҳвандлик-офат», «Ёшлар аҳлоқи муаммолари», «Тарозининг иккинчи палласи» каби мақолаларда ёшлар ҳаётининг кўпгина қирралари очиб берилган.

Ишонамизки, ушбу журнал ва унинг ёшларга бағишланган иловаси муштарийлар қалбида ёғду, руҳида куч-қувват, маънавиятида дуру гавҳар бўлиб қолажак. Зеро, Имом ас Субкий айтганларидек: «У (Имом ал-Бухорий) мадҳлардан устун бўлдики, анинг ҳеч бир ўлчови йўқ, наинки мадҳ ўлчовга тушса, қимматини йўқотадур». Ана шундай бетимсол салоҳиятга эга бўлган доно боболаримиз хотираси эса журналда таъкидланганидек, буюк келажагимизнинг ҳақиқий қалқонидир.

Амина ҚОДИРОВА, «Ишонч» мухбири.

Хонқа туманидаги «Жайхун» қўғирчоқ театри жамоаси Фарғона водийсида гастрол сафарида бўлиб қайтди. Шунингдек, улар Ёзёвон туманидаги халқ таълими бўлимига қарашли ўқув юртларида «Афданинг ҳангомалари» деб номланган ҳажвий театрлаштирилган томошани намойиш этдилар. Мазкур томоша ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган бўлиб, унда тўғрилик ва адолат, дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат каби хислатлар улуғланади.

ТОМОШАБИНЛАР ҲУЗУРИДА

Театрнинг етакчи актёрларидан Икром Жуманиёзов, Эркин Рўзиметов, Баҳром Отахоновлар яратган образлар томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Н.РАФИҚОВ.

Касаба уюшма спорти

Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси кўплаб ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Куни кеча тармоққа тегишли олий ўқув юртлари ўртасида «Алпомиш» ва «Барчиной» меъёрий тестлари мусобақаси бўлиб ўтди.

МЕЪЁРИЙ ТЕСТЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРИЛДИ

— Ушбу мусобақани ўтказишдан мақсад, ёшларимизнинг ақлий ва жисмоний камолотини таъминлаш, ўғлонларимизни Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячилари бўлишларида оз бўлсада ҳисса қўшиш, — дейди тармоқ касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси бўлим мудири ўринбосари Д.Ахметшина. — Ишлаб чиқилган меъёрий тестлар шартлари бўйича ҳар бир талаба фаол иштирок этди. Факултет миқёсида ғолиб бўлганлар институт биринчилиги учун курашдилар. Пешқадам бўлган талабалар олий ўқув юртлари миқёсидаги мусобақаларда иштирок этдилар.

Якуний мусобақалар Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтининг спорт майдонларида бўлиб ўтди. Талабалар спортнинг тез юриш, югуриш, узунликка сакраш, тош кўтариш, турникда тортилиш каби турлари бўйича куч синашдилар.

Кескин кураш ва ҳаяжонга бой баҳсларда якуний мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрган майдон эгалари — Миллий рассомчилик ва дизайн институтининг йигит ва қизлари кўплаб совринларни қўлга киритдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

Биласизми?

АСЛИ ЎЗБЕКЧА СЎЗ

«Утюг» сўзи қадимги ўзбек тилида «ўтук» шаклида ҳозирги дазмол номини англатган. Чунончи, XI асрда ёзилган «Девону луғотиттурк» асарида «ўтук» сўзига, андавага ўхшаш темир асбоб бўлиб, уни қиздирадилар ва кийимнинг чок ҳамда бахяларини, тукларини бостириб силлиқлайдилар, деб изоҳ берилган.

Бундан «ўтук» сўзи — «ўт» (олов) ўзагига «ук» қўшимчаси қўшилишидан ҳосил бўлгани кўриниб турибди. Косиблар дазмолнинг андавага ўхшаш хилини ишлаштишарди. Ўтда қиздириладиган бундай дазмолни этик ва кавуш таг чарминнинг зиҳига босиб, уни силлиқлардилар.

Бу сўз ҳозирги баъзи туркий халқлар тилида ҳам учрайди. Чунончи, татар, қозоқ ва қирғиз тилларида «ўтук», «ўтик», «ўте» сўзлари бор.

Мазкур сўз рус тилига ҳам ўтиб, фонетик ўзгариш билан «ўтюг» шаклини олган.

Шуниси қизиқки, «ўтюг»ни биз русча ҳисоблаб, ўзбек тилига «дазмол» деб таржима қиламиз.

А.АЛИЕВ.

НИМ ТАБАССУМ

Музейга келувчилар катта ва кичик икки скелет қаршисида тўхташди. Экскурсовод тушунча бера бошлади:

— Ривоятларга қараганда, мана бу баҳайбат скелет гунн қабиласи йўлбошчиси Атиллага тегишли экан.

— Кичкинаси-чи? — Кимдир қизиқиб савол берди.

— Уми, Атилланинг болаликдаги скелети.

* * *

Кимдир кўча эшикни тақиллатди.

— Шуҳрат деган йигитча шу ерда яшайдими?

— Ҳа, Шуҳрат мен бўламан.

— Кеча сойда чўкиб кетаётган болани сен қутқариб олганмидинг?

— Ҳа, мен.

— Унда боланинг бош кийими қани?

* * *

Судья судланувчини сўроққа тутмоқда:

— Воқеа қандай содир бўлганини сўзлаб берсангиз.

— Демак, бундай. Мен пичоқчам билан олма пўчоғини арчиб ўтиргандим. Шу пайт ҳалиги нусха пўчоқдан сирпаниб тўппа-тўғри пичоқ устига тушди.

Судья:

— Нима, уч марта қатарасига шу ҳол юз бердими?

* * *

Ёмғирдан сўнг ер юзига чиққан чувалчанг танишини йўқлаб борди, аммо уни инидан тополмади. Судралиб бораётган қўшниси меҳмонни кўриб, тўхтади:

— Бекорга овора бўлиб келибсиз. У йигитлар билан балиқ овига кетганди. Ҳали-вери қорасини кўрсатмаса керак.

* * *

Уч маст темир йўл шпаллари бўйлаб эмаклаб боришмоқда.

Биринчиси:

— Ё қудратингдан, зина дегани ҳам шунақа кўп бўладими?

Иккинчиси:

— У зина билан бунисининг ораси ҳам хўп чуқур эканми?

Учинчиси:

— Йигитлар, кўпи кетиб ози қолди. Ана, қаранглар, биз томон лифт келяпти.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вакти - 21.00
Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6